

**«ТАСДИҚЛАНГАН»  
«O'zkiyosanoat» АЈнинг  
Кузатув кенгаши томонидан  
«17» февраль 2021 йил  
10-сонли қарори билан**



**«ЎЗКИМЁСАНОАТ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ  
АХБОРОТ СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМИ  
(ЯНГИ ТАХРИР)**

## **I - бўлим.**

### **Умумий қондалар**

1.1. Мазкур ахборот сиёсати тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.07.2014й. 176-сонли «Акциядорлик жамиятларларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 31.12.2013й. 355-сонли «Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш Қоидалари (рўйхат №2383, 31.07.2012й.), акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссияси йиғилишининг баённомалари билан (11.02.2016й. № 02-02/1-187 ва 27.04.2018й. № 24/1-989) тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси ва Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув Қоидаларининг тавсияларига ҳамда «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти (матн бўйича – Жамият) уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Мазкур Низом мажбурий эълон қилиниши лозим бўлган ахборот ва ҳужжатлар рўйхатини белгилаб, уларни Жамият томонидан тақдим этиш тартиби ва муддатини тартибга солади.

1.3. Ахборот сиёсатининг мақсади Жамият акциядорлари, инвесторлар, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари ва бошқа манфаатдор шахсларни (матн бўйича – манфаатдор шахслар) Жамият ва унинг фаолияти ҳақидаги ишончли маълумотга бўлган талабларини қондириш орқали Жамият фаолияти очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш.

1.4. Ахборот сиёсати манфаатдор шахсларни улар томонидан инвестицион ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун муҳим бўлган Жамият ва унинг фаолияти ҳақида ишончли маълумот олиш бўйича тўла ҳуқуқларини таъминлашга ва Жамият тўғрисида махфий ахборотни ҳимоя қилишга қаратилган.

1.5. Ахборотни тижорат сири деб ҳисоблаш, таърифлари ва ундан фойдаланиш тартиби Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Тижорат сири тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## **II - бўлим.**

### **Ахборот сиёсатининг асосий тамойиллари**

2.1. Ахборот сиёсатининг асосий тамойиллари информацион ресурсларнинг мунтазамлиги, тезкорлиги, очиклиги, тўлиқлиги, тенг ҳуқуқлиги, мувозанатлилиги, ҳимояланганлиги ҳисобланади.

2.2. Мунтазамлик тамойили Жамият томонидан мунтазам равишда манфаатдор шахсларга Жамият тўғрисида ахборотни тақдим этилишига қаратилган.

2.3. Тезкорлик тамойили Жамият қисқа муддатларда манфаатдор шахсларни Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи шунингдек уларнинг манфаатларига дахлдор бўлган муҳим ҳодиса ва фактлар тўғрисида хабардор қилишни англатади.

2.4. Ахборотни очиклиги тамойили шуни англатадики, Жамият ўз фаолияти ҳақида ахборотни тарқатишни айни шундай йўллари ва усулларини қўллайдики, улар манфаатдор шахсларга ошкор этилаётган ахборотга эркин, осон ва танловсиз йўл очади.

2.5. Тўлиқлик тамойили Жамият барча манфаатдор шахсларга ўзи ҳақидаги салбий ахборотни ошкор этишдан бош тортмаган ҳолда Жамият, унинг фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ тасаввурни шакллантириш имконини бериш ҳажмида ҳақиқатга тўғри келадиган ахборотни тақдим этишини англатади.

2.6. Тенг ҳуқуқлилик тамойили Жамият барча манфаатдор шахсларга Жамият фаолияти ҳақида ахборотни олиш ва фойдаланишга тенг ҳуқуқни таъминлашни англатади.

2.7. Мувозанатлилилик тамойили Жамиятнинг очиклиги ва шаффофлиги ҳамда унинг тижорат манфаатларини таъминлаш ўртасидаги оқилона мувозанатга риоя қилишни назарда тутди. Бунда мажбурий шартлар қуйидагилар ҳисобланади:

2.7.1. махфий ахборотни ҳимоялаш;

2.7.2. қонунчилик ва Жамият ички ҳужжатлари билан белгиланган инсайдер ахборотни тарқатиш ва фойдаланиш қоидаларга риоя қилиш.

2.8. Ҳимояланганлик тамойили қонунчилик томонидан рухсат этилган тижорат ёки бошқа сирни ташкил этадиган ёки махфий ахборот ҳисобланган ахборотни ҳимоялаш усул ва воситаларидан фойдаланишни назарда тутди.

### III - бўлим.

#### **Қонунчиликка мувофиқ ошкор қилиниши зарур бўлган маълумотлар рўйхати, уларни ошкор қилиш муддатлари ва тартиби**

3.1. Жамият мажбурий тарзда ошкор этиладиган ахборотни Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Акциядорлик жамиятларларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 02.07.2014й. 176 - сонли, «Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 31.12.2013й. 355 - сонли қарорлари, Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш Қоидалари (рўйхат №2383, 31.07.2012й.) ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳажм, муддат ва усулларда ошкор қилади.

3.2. Ахборотни мажбурий тарзда ошкор этиш қуйидагича амалга оширилади:

3.2.1. корпоратив ахборот ягона порталида (қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида);

3.2.2 Жамиятнинг корпоратив веб сайтида;

3.2.3. қонуний ҳужжатларда кўзда тутилган ҳолларда оммавий ахборот воситаларида.

3.3. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб сайтида ошқора этилиши мажбурий бўлган ахборотга эга ҳужжатлар қуйидагилардир:

3.3.1. қимматли қоғозлар эмиссияси рисоласи (қимматли қоғозлар оммавий жойлаштирилган тақдирда);

3.3.2. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, шу жумладан молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларига асосан тузилгани;

3.3.3. биринчи чорак, биринчи ярим йиллик ва тўққиз ой якунлари бўйича Жамиятнинг чораклик ҳисоботлари;

3.3.4. Жамият фаолиятидаги муҳим факт тўғрисида хабар.

3.4. Жамият юқорида қайд этилган ахборотни қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш Қоидаларида (рўйхат №2383, 31.07.2012й.) белгиланган муддат, тартиб ва шаклда ошкор қилади.

3.5. Жамият қимматли қоғозлари фонд биржасининг биржа котировка варағига киритилган ва (ёки) унда мавжуд бўлган ҳолда, Жамият барча зарур ахборотни биржа бюллетени тўғрисидаги низом талабларига асосан ошкор қилади.

3.6. Жамият ўзининг расмий веб сайтига эга ([www.uzkimyosanoat.uz](http://www.uzkimyosanoat.uz)) ва ушбу сайтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Акциядорлик жамиятларларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 02.07.2014 йилдаги 176 - сонли қарори билан белгиланган рўйхатдаги ахборотни ошкор этилишини таъминлайди.

3.7. Оммавий ахборот воситаларида мажбурий тарзда ошкор этилиши лозим бўлган ахборот қуйидагилар:

3.7.1. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар;

3.7.2. Жамият манзили (почта адреси) ва электрон почта манзили ўзгаргани тўғрисидаги хабар;

3.7.3. имтиёзли ҳуқуқга эга бўлган Жамият акциядорларига акция ва акцияга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни харид қилиш таклифи;

3.7.4. Жамият акцияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги ахборот;

3.7.5. Жамиятни тугатиш ҳамда унинг кредиторлари талаблари бўйича аризалар бериш муддати ва тартиби тўғрисидаги ахборот.

#### **IV - бўлим.**

#### **Қўшимча ахборотни ошкор қилиш рўйхати ва тартиби**

4.1. Жамият манфаатдор шахслар учун қулай бўлган сайтни инглиз, рус ва бошқа тиллардаги кўринишларини яратиш, уларда давлат тилида мавжуд барча маълумотларни тегишли тилга таржима қилган ҳолда жойлаштириш орқали Жамият расмий веб-сайтини такомиллаштиришни таъминлайди.

4.2. Жамият ўз расмий веб-сайтида қуйидаги қўшимча ахборотни ошкор қилади:

4.2.1. корпоратив бошқарув Кодекси ва корпоратив бошқарув Қоидалари тавсияларига ҳамда уларга риоя қилишга амал қилиш мажбуриятини қабул қилганлик тўғрисидаги ахборот;

4.2.2. Бошқарув аъзолари, шу жумладан Жамиятда иш даври тўғрисидаги маълумот;

4.2.3. Жамият Бошқарув аъзолари фаолияти самарадорлигини ва корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари;

4.2.4. Жамиятнинг 20 фоиздан ортиқ акцияларига эга бўлган акциядорлар ҳақида маълумот;

4.2.5. соф фойдани кутилаётган тақсимоти, дивидендлар миқдори, уларни Жамиятда қабул қилинган дивиденд сиёсатига мос келишини баҳолаш асоси шунингдек зарур ҳолда Жамиятни ривожлантириш эҳтиёжи учун соф фойданинг маълум қисмини йўналтириш ҳажмини изоҳлаш ва иқтисодий асослантириш;

4.2.6. кутилаётган соф фойдани кўрсатган ҳолда инвестиция лойиҳалари шаклида амалга ошириладиган кенгайиш, реконструкция ва техник қайта жиҳозлаш бўйича Жамият режалари;

4.2.7. мавжуд бўлган ҳолда акциялар котировкалари ҳамда фундаментал ва техник таҳлил натижалари, экспертлар ва маслаҳатчилар шарҳлари ва прогнозлари бўйича маълумот;

4.2.8. мавжуд бўлган ҳолда Жамият бизнес турлари бўйича капитал қиймати ва Жамият капитали ўртача қийматини ушбу кўрсаткичлар қийматини асослантирилган ҳолда;

4.2.9. Хайрия (ҳомийлик) кўрсатиш (олиш) тартиби, шартлари тўғрисида ва хайрия (ҳомийлик) ёки беғараз ёрдам тўғрисида қарорлар қабул қилиш шунингдек ҳақиқатда кўрсатилган (олинган) хайрия (ҳомийлик) ёки беғараз ёрдам тўғрисидаги ахборот.

4.3. Бошқарувчилар кенгаши ва Бошқарув аъзоларига ҳақ ва компенсациялар миқдори тўғрисидаги маълумот акциядорлар умумий йиғилишида ошкора этилади ва акциядорлар умумий йиғилиши баёнига киритилади.

4.4. Жамият у ҳақидаги маълумотни қонунчиликда ахборотни ошкор қилиш учун назарда тутилган бошқа манбаларда ошкор этилишини таъминлайди.

## **V - бўлим.**

### **Жамият бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслари, ходимлари ҳамда Жамият манфаатдор шахслари ўртасида ахборот алмашинуви тартиби**

5.1. Жамият бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслари, ходимлари ҳамда Жамият манфаатдор шахслари ўртасида ахборот алмашинуви учун Жамият у орқали ахборот алмашинуви амалга ошириладиган маъсул ходимни тайинлайди.

5.2. Манфаатдор шахсларнинг ушбу Низомда кўзда тутилган ахборотни тақдим этиш тўғрисидаги ёзма (электрон) талабига биноан, Жамиятнинг маъсул ходими, агар қонунчиликда бошқа муддат белгиланган бўлмаса, бир ҳафта мобайнида барча керакли ахборотни электрон тарзда тақдим этади.

5.3. Агар ҳужжатлар нусхалари берилиши талаб этилса, манфаатдор шахс миқдори ҳужжатлардан нусхани тайёрлаш харажатларидан ортмаган ҳолда тўловни ва ҳужжатларни почта орқали жўнатиш билан боғлиқ харажатлар тўловини амалга оширади.

5.4. Акциядорлар Жамият ва унинг фаолияти тўғрисидаги хизмат, тижорат ёки қонун томондан ҳимояланадиган бошқа сирларни ошкора қилиш ҳуқуқига эга эмас.

## **VI - бўлим.**

### **Жамиятнинг ахборот сиёсатига риоя қилиш назоратини таъминлаш бўйича чоралар**

6.1. Ушбу Низомда назарда тутилган ахборотни ошкор қилиш ҳамда Жамият тўғрисида ахборотни оммавий ахборот воситаларида ошкор қилишга Жамиятнинг Кузатув кенгаши котиби (мавжуд бўлса) ёки шундай ваколатлар тақдим этилган тегишли таркибий бўлинма маъсул ходими маъсул ҳисобланади.

6.2. Бошқарув раиси ва унинг ўринбосарларидан ташқари бошқа шахслар Жамият номидан расмий чиқишга ҳақли эмас.

6.3 Ахборотни тўлиқлиги, ишончлилиги ва ўз вақтида ошкора этилишига Жамият Бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари жавобгардир.

6.4. Мазкур Низом талабларини бажарилиши тўғрисидаги Бошқарувнинг ҳисоботи Жамият Бошқарувчилар кенгаши ҳар чорак эшитиб боради.

## **VII - бўлим. Яқуний қоидалар**

7.1. Мазкур Низомга мувофиқ ошкор қилинаётган маълумотларни ташкиллаштириш, ҳолати ва ҳаққонийлиги учун мажбурият Бошқарув раиси ва унинг ўринбосарларига юклатилади.

7.2. Ахборотни ўз вақтида, сифатли, ишончли ва тўлиқ ошкор қилиш Бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан ва унга ҳақ (бонуслар) тўлаш шартларидан бири ҳисобланади.

7.3. Мазкур Низом талабларини бузишда айбдор шахслар, ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

7.4. Мазкур Низом Жамият Бошқарувчилар кенгаши тасдиқлаган кундан эътиборан кучга киради.

7.5. Агар мазкур Низомни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

7.6. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари ва Жамият уставида мазкур Низомда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва Жамият устави қоидалари қўлланилади.

7.7. Ушбу низом Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кундан бошлаб аввал тасдиқланган «Ўзкимёсаноат» АЖнинг ахборот сиёсати тўғрисида»ги низом ва унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ўз кучини йўқотади.